Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 64 (21. 183) 1992 йил 31 март, сешанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ ҚУРУЛТОЙИДА

АЗИЗ ДЕҲҚОНЛАР! ЕНГ ШИМАРИБ ИШГА КИРИШАЙЛИК

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида 28 март куни Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик-саноат мажмуи меҳнатчиларининг катта гурунги бўлди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири М. И. Исломовнинг маърузасида деҳқончилик-саноат мажмуининг бултурги ишлари якунланди, деҳқончилик-саноат мажмуининг бозор иқтисодиётига кириши масалалари кўтарилди, 1992 йилги вазифалар белгиланди.

Маруза юзасидан бўлган мунозарада Бухоро вилоятининг ҳокими Д. С. Ёдгоров, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг президенти А. И. Имомалиев, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигининг раиси Т. К. Мадиёров, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. А. Беляев, Қашқадарё вилоятидаги «Яккабоғ» боғдорчилик давлат хўжалигининг бригадири С. Раҳимова, Қорақалпоғистон Республикаси «Тахтакўпир» шоликорлик давлат хўжалигининг директори О. Одилов, Сурхондарё вилоятидаги Ангор тумани Калинин номли жамоа хўжалигининг бригадири М. Ҳайитова, Андижон вилоятининг ҳокими Қ. Х. Холмирзаев, Жиззах вилоятидаги «Зомин» давлат хўжалигининг сут соғувчиси Б. Йўлдошева, Самарқанд туманидаги Ф. Қосимов номли жамоа хўжалигининг бригадири Т. Қудратов қатнашдилар.

Қурултойда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади. У деҳқончилик-саноат мажмуидаги вазиятни таҳлил этиб берди, ундаги муаммоларга батафсил тўхталди, ҳозирги босқичдаги стратегик вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Қурултой қатнашчилари республиканинг барча меҳнатчиларига мурожаатнома қабул қилдилар.

Қурултой ишида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

Шу куни республика қурултойи қатнашчилари учун Ўзбекистон санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар. (ЎзА).

Республика деҳқончилик-саноат мажмуи меҳнатчиларининг гурунгида.

Суратларни махсус мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқи

Азиз дўстлар! Биродарлар!

Халқимизнинг ризқи-рўзини бутун қилаётган сиздек мўътабар инсонлар билан яна юз кўришганимдан, дийдор кўришганимдан хурсандман.

Залдагиларнинг кўпини танийман, сафарларда сиз билан учраштанмиз, суҳбатлашганмиз. Сиз ўз ҳалол меҳнатингиз, она заминимизга садоқатингиз билан, Ўзбекистонимизни юксалтиришга қўшган ҳиссангиз билан эл-юртимизга машҳурсиз. Сиз билан учраштганда, юзма-юз бўлганда кўнглимдаги гапларни, мулоҳазаларимни кўп бор айтганман, ўртадаги меҳр доим товланиб турган.

Ҳурматли дўстлар!

Бутунги учрашувимиз масъулиятли, аммо Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро учун фахрли бир кезда ўтяпти.

Жаҳон Ўзбекистонимизни мустақил давлат сифатида тан олди. Хельсинки шартномасига имзо чекиб, Европага йўл очдик. Давлатимизнинг байроғи Нью-Йоркда — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида ҳилпираб турибди.

Эндиликда ҳар бир ўзбек қаддини ростлаб, кўкрагини кўтариб юрса арзийди. Ўзбекистон дунёдаги барча эркин миллатлар билан тенгма-тенг туриб, башарият меросига ворис бўлди.

Ўзбекистон сарлочиндек иқтисодий ва маънавий камолат сари парвоз қилмоқда. Бу қушнинг бир қаноти — Ватанимизнинг битмас-туганмас бойликлари, унинг олтини, пахтаси, пилласи, қоракўли ва бошқа ноз-неъматлари бўлса, иккинчи қаноти — унинг халқи, унинг фидойи инсонларидир. Бу халқ ўз ҳаётининг мазмунини меҳнатда деб билади. Турли намойишлар ва бақириқ-чақириқлар билан эмас, балки яратувчилик меҳнати ва қатъий интизоми билан мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлайди.

Бу халқнинг фидойилигини тушуниш учун ўтган йилнинг баҳорини эслаш кифоя. Энг оғир йил эди ўтган йил. Қор, ёмғир, дўл — ҳаммаси ўзбек деҳқонининг даласига ёпирилди. Баъзи жойларда чигит беш-олти мартадан экилди. Шу залда қорақалпоқ дўстларимиз ва хоразмлик деҳқонлар ўтиришибди. Улар чигитни баҳорда эмас, мавсумнинг охирида — июнь ойида экишди.

Йигирма фоиз майдонга ёки 360 минг гектар пайкалга чигит қайта экилди. Фақат заҳматли меҳнат, уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик туфайли ўта ташвишли ҳол бартараф этилди.

Ҳаммага ҳам осон бўлмади, лекин меҳнатсевар, қийинчиликда тобланган, имонли, иродаси мустаҳкам халқимиз барча қийинчиликларни мардонавор енгди, олдимизга қўйилган мақсадларга эришди. Мана шу юксак минбардан туриб эл-юртимизнинг мард ва асл инсонларига таъзим бажо этиб, меҳнатингиз учун самимий миннатдорчилигимни айтишга ижозат бергайсизлар.

Мен бир гапни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Ҳозирги кунда яратганнинг ўзи омадимизни берайпти. Тангримиз назар солмаса, халқнинг эзгу тилагини қабул қилмаса, биримиз икки бўлмайди. Илоё доимо шундай бўлсин, яратганнинг ўзи халқимизга бахт-саодат ато этаверсин.

Ҳозир халқимизнинг руҳи жуда тетиқ. Наврўз байрами қандай ўтганини ҳаммангиз кўрдингиз. Байрам арафасида яна омадимиз келди — Наманган нефти фаввораснинг донги дунёга кетди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЖУМҲУРИЯТ МЕҲНАТКАШЛАРИГА МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Жумҳуриятимиз мустақиллиги эълон қилинганидан буён ярим йил ўтди. Бугунгача жаҳондаги 103 давлат Ўзбекистоннинг мустақиллигини тан олди. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши оламшумул тарихий воқеадир. Жумҳуриятимиз деҳқонлари буни зўр мамнунлик билан кутиб олдилар. Ўзбек халқининг эзгу орзу-ниятлари рўёбга чиқди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, нарх-наво кўтарилиб боришининг ҳаётимизга таъсири бўлсада, деҳқонларимиз турмуш қийинчиликларини бардош билан енгмоқдалар.

1991 йил деҳқонлар учун ҳар қачонгидан оғир келди. Баҳорги серёмғир кунлар, ёздаги дўл ва сел, чигитни қайта-қайта экиш меҳнатсевар деҳқонларимиз иродасини буколмади. Аввалги йилларга нисбатан яхшироқ ҳосил олинди.

Республикамиз деҳқонлари олдида турган бу йилги вазифалар ушбу қурултойимизда атрофлича муҳокама қилинди.

Бу йилги анжуманимиз мустақиллик шароитида ўтаётган биринчи қурултойдир. Биз Ўзбекистон Республикасининг барча меҳнаткашларига мурожаат қиламиз:

Республикамиз Президентининг жумҳуриятимиз иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини кўз қорачиғидек асраш, халқ турмушидаги тангликни бартараф этиш, диёримизни бутун дунёга танитиш, тинчлик, осойишталикни сақлаш мақсадида амалга ошираётган ишларини маъқуллаймиз. Бу соҳада қилинаётган ишларга ўлкамизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонамиз.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажакда гуллаб-яшнаши — қишлоқ хўжалиги ва бутун деҳқончилик-саноат мажмуининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Бугунги куннинг энг асосий вазифаси деҳқончилик ва чорвачиликни ҳамда у билан боғлиқ бўлган барча тармоқларни жадал ривожлантириб, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришдан иборат.

Республикамиз деҳқончилигининг асосий экини пахта билан бир қаторда чорвачилик, мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва пиллачиликни ҳамда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини хўжалик юритишнинг янгича иқтисодий муносабатлари асосида ривожлантириш бош вазифамиздир.

Наврўз деҳқончиликка оқ фотиҳадир. Азиз деҳқонлар, енг шимариб ишга киришайлик.

Бу борада бободеҳқоннинг энг яқин мададкори бўлган механизаторларга мурожаат қилиб, техникани соз ва сифатли таъмирлаш, барча экинларни ўз вақтида экиб олиш чораларини кўришга чақирамиз.

Харажатлар ортиб кетаётган бир вақтда қишлоқ хўжалигини техника ва эҳтиёт қисмлар билан таъминловчи саноат корхоналари буларни арзонроқ ва мунтазам етказиб беришлари лозим.

Бозор иқтисодиёти даврида деҳқончилик маданиятини юксалтириш, меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулотнинг таннархини пасайтириш ҳисобига даромадни кўпайтириш ҳамма диққат марказида бўлиши керак.

Қишлоқларда деҳқоннинг, айниқса, кам даромадли оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш, маънавий эҳтиёжини қондириш, ижтимоий-маданий-маиший тармоқларни кенг ривожлантириш ишларимизнинг бош мезони бўлмоғи зарур.

Деҳқоннинг пешона тери билан етиштирилган маҳсулотларни исроф қилишга йўл қўймайлик. Бу катта гуноҳдир. Етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш нобудгарчиликка барҳам беради. Қайта ишлаш корхоналари ходимларига мурожаат қиламиз: қишлоқларда, айниқса, хўжаликларнинг ўзида қайта ишлайдиган кичик корхоналарни кўпайтирайлик, иш унумини оширадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозлайлик. Бу соҳада чет эл илғор технологиясини кенг жорий этайлик.

Кейинги вақтда бошланган хайрли ишлардан бири шахсий томорқа хўжаликларини кенгайтириш ва хўжалик юритишнинг янги усули — фермерлик ҳаракатидир. Республика Президентининг фермер (деҳқон) хўжаликлари учун 200 минг гектар ер фонди ажратиш ҳақидаги фармони бу ташаббус учун кенг истиқбол очади.

Чорвадорлар! Ўтган йили гўшт ва сут етиштиришда қолоқликка йўл қўйилди. Чорвачиликдаги жиддий камчиликнинг сабаби — барча хўжаликларда моллар сони камайиши ва маҳсулдорликнинг пасайишидир. Қолоқликдан чиқиш учун биринчи галда озуқа базасини мустаҳкамлаб, моллар зотини яхшилашимиз, яйловлардан оқилона фойдаланишимиз лозим.

Қадрли пиллакорлар! Дастлабки ҳосилимиз пилладир. Ипак қурти боқишнинг илғор технологиясидан кенг фойдаланайлик. Тут баргини тежаб сарфлаб, ҳар қути уруғдан олинадиган ҳосилни тобора ошираётган илғорлар тажрибасини кенг оммалаштирайлик.

Сув — деҳқончилигимизнинг мезони! Биз, қурултой қатнашчиларининг сув хўжалиги ходимларига илтимосимиз шуки, жумҳуриятимиз иқтисодиёти ва экология ҳолати сизларнинг ишни қандай ташкил этишингизга кўп жиҳатдан боғлиқ, сув танқислигини доимо ёдда тутиб, сувнинг исроф бўлишига йўл қўймайлик.

Ҳурматли олимларимиз! Илм-фан янгиликларини ва илғор тажрибани деҳқончилик ва қайта ишлаш саноатига кўпроқ жорий қилиб, мустақил республикамизда озиқ-овқатни мўл-кўл қилишга, халқимиз фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшингиз!

Қишлоқ қурувчилари! Барча имкониятларни тўлароқ ишга солиб, қишлоқ меҳнаткашларига уй-жой қуриш муаммосини ҳал этишни, қишлоқлардаги ижтимоий-маиший объектларни сифатли ва қулай бунёд этишингизни сўраймиз.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим омили — деҳқоннинг ўз хонадонидан кўнгли тўқлигидир. Унинг рўзғори бут, бола-чақаси тўқ ва тинч экан — меҳнати унумли бўлади.

Шу муносабат билан биз ҳурматли шифокорлар, савдо ва маиший хизмат ходимларига мурожаат қилиб, соҳалардаги ишларни янада фаоллаштириш, инсонга ғамхўрлик, меҳр-шафқатни оширишда маҳорат кўрсатишга чақирамиз.

Биз, қурултой иштирокчилари, бободеҳқонларимизга мурожаат қилиб, ерни эъзозлашни, ёш авлодга деҳқончилик тажрибасини меҳр билан ўргатишни сўраймиз.

Азиз деҳқонлар! Мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, бойлигининг ортиши йўлида ғайрат-шижоат кўрсатайлик. Бу йўлда жипслашиш, бирлашиш, бир-биримизга иззат-ҳурматда бўлиш, ҳамжиҳатлик, ишбилармонлик белгиланган режаларимизни ўз вақтида амалга оширишнинг асосий омилидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИ КУПОНЛАР БЎЙИЧА СОТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳолини товарлар билан барқарор таъминлаш, меҳнаткашларнинг фикр ва истакларини ҳисобга олган ҳолда, товарларни купонлар бўйича сотишни янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида» 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарори 1 ва 4-бандларининг (ундан тўртинчи хат бошини чиқариб ташлаган ҳолда) амал қилиши 1992 йилнинг II чораги учун ҳам сақлансин.

1992 йил 1 майдан бошлаб янги намунадаги купонли карточкалар муомалага чиқарилсин. 1992 йилнинг I чораги намунасидаги купонли карточкалар шу йилнинг 1 июлигача муомалада бўлади ва алмаштирилмайди.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин:

киритилган ўзгартишларни ва қўшимчаларни ҳисобга олиб «Товарларни купонли карточкалар бўйича сотиш, уларни бериш, сақлаш, инкассация қилиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низом (1-илова);

аҳолига купонларсиз сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий моллар рўйхати (2-илова).

3. Фуқароларда ишлатилмаган купонлар борлигини текшириш натижаларини ҳисобга олиш юзасидан ҳамда мавжуд мол ҳажмини ва аҳоли даромадларини тартибга солиш мақсадида белгиланган даромадларга қараб купонлар бериш миқдорини белгилаш юзасидан 1992 йилнинг II чорагига янги табақалаштирилган шкала 3-иловага мувофиқ белгиласин.

4. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар ва мулкчиликнинг барча шакларидаги хўжаликлар шу йилнинг 3 апрелига қадар банкларнинг тегишли муассасаларига белгиланган даромадлар бўйича бериладиган купонлар миқдорини аниқлаш юзасидан янги шкалага мувофиқ зарур миқдордаги купонларга талабномалар берсинлар.

(Давоми учинчи бетда).

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ ҚУРУЛТОЙИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бундай қутлуғ байрам ҳали кўп бўлади. Олдинда яна бир муқаддас айём — ийд рамазон, рўза байрами кутиб турибди. Мен Президент сифатида айтмоқчиманки, бу улуғ байрамни Наврўздан ҳеч қолишмайдиган қилиб ўтказамиз, албатта. Бунга тегишли тайёргарлик кўраяпмиз.

Ҳурматли ўртоқлар!

Бугун биз амалий учрашувга йиғилганмиз ва амалий тарзда гаплашиб олишимиз керак. Энг муҳими — бугун биз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш босқичларини белгилаб, вужудга келган мураккаб вазиятда ўз йўлимизни тўғри танлаб олишимиз лозим.

Асосий маърузада қишлоқ хўжалиги вазири Мирзажон Исломов соҳанинг асосий йўналишларини таҳлил қилиб, 1992 йил режалари хусусида гапириб берди. Шуни инобатга олиб, руҳсатингиз билан, мен кўпроқ ҳозирги вазиятда аҳолини ташвишга солаётган муаммоларга тўхталиб ўтсам ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тадбиқ этилаётган ислоҳотларнинг туб мақсадлари ҳақида маълумот берсам.

Энг аввало, қишлоқ хўжалигининг Ўзбекистон иқтисодида, республиканинг ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлаб олиш керак. Маълумки, республика аҳолисининг 59 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Жами ишловчиларнинг ярмига яқини ҳам деҳқончиликда банд. Етиштирилаётган ижтимоий маҳсулотнинг учдан бир қисмидан кўпроғини ва миллий даромаднинг 40 фоизини қишлоқ хўжалиги беради.

Қишлоқ хўжалигимиз суғорма деҳқончиликка асосланган. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 97 фоизи суғориладиган ерларда етиштирилади. Шунинг учун улар бизнинг асосий бойлигимиз, халқимизнинг ризқи-рўзи, ҳаётимиз сарчашмасидир.

Халқ хўжалиги, хусусан, саноатнинг кўпгина тармоқлари қишлоқ хўжалигига таянади. Масалан, пахта хом ашёси қайта ишловчи тармоқлар учун катта ресурсдир. Пахта, ёғ заводлари, тўқимачилик ва тикувчилик корхоналари тақдири пахта билан чамбарчас боғланган. Шу туфайли қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда шаҳарлар ва поселкаларда ҳам одамлар иш билан таъминланмоқда.

Биринчи хулоса: қишлоқ хўжалигига эски муносабат ва қарашларни тубдан ўзгартириш, унинг тутган ўрни ва аҳамиятини адолатли ва ҳақиқий баҳо бериш керак.

Пахта тозалаш тармоғи қишлоқ хўжалиги ихтиёридан чиқарилиб, саноат қарамоғига ўтказилганлиги хато бўлди. Хўжаликлар давлатга ва харидорларга пахта эмас, толасини, чигитини ва бошқа чиқиндиларни алоҳида ҳисоблаб, ўз маҳсулоти, ўз бойлиги деб ҳис этиб сотиши ва даромад олиши керак. Фақат шундагина адолат қарор топади ва деҳқоннинг косаси оқаради.

Шунда вазиримиз Мирзажон Исломов айтган масалалардаги тушунмовчилик ва тортишувлар, хусусан, пахта навини белгилаш, унинг намлиги, чанглиги ва бошқа сифатларини аниқлашдаги хўжалик билан қабул пунктлари ўртасидаги жанжаллар ўз-ўзидан барҳам топади.

Айни вақтда қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасида чегарани аниқ тортишимиз керак, деб ўйлайман. Республикамизда ҳозирдаёқ шундай хўжаликлар борки, улар калава, газлама ва тайёр буюмларни саноат усулида ишлаб чиқаришни ташкил қилганлар. Буни биз яна бир бор жиддий ўйлаб кўришимиз керак.

Саноат ишлаб чиқариши жуда мураккаб, доимо янгилаб туришни, илмий ютуқларни жорий қилишни талаб этади. Жамоа хўжаликлари шу ишнинг уддасидан чиқиб, юқори сифатли маҳсулот бера оладими, йўқми — бу саволга жавоб топишимиз зарур. Визлар дунё иқтисодига, дунё бозорига қадам қўяр эканмиз, ўзимиз чиқараётган маҳсулот сифатини, унинг харидорлар талабига жавоб беришини ҳозирдан ўйлаб, тайёргарлик кўришимиз лозим.

Тўқимачилик саноатининг байроқдори бўлган Бухоро тўқимачилик комбинатида иш тартибини, маҳсулот сифатини ва бошқа техникавий жараёнларни автоматлар, компьютерлар бошқаради. Бу ерда газламанинг гули ҳар етти кунда автоматлар ёрдамида ўзгартириб турилади.

Биз Туркияда бўлган вақтимизда юқори сифатли калава ишлаб чиқарадиган замонавий комбинатни кўрдик. У ҳам автомат тартибда ишлар экан. Маҳсулотнинг сифати халқаро андозага мос. Мен буни шунинг учун айтяпманки, колхозлар, совхозлар бундай саноатни вужудга келтира олмайдилар, улар саноат тармоғи билан рақобат қила олмайдилар. Шу сабабдан колхоз ва совхозларда, қишлоқларимизда хом ашёга бирламчи ишлов берувчи, ихчамгина, лекин замонавий технология ва техника негизидаги корхоналарни қуришимиз зарур. Уларни ишчи кучига яқин бўлган жойларда қуришимиз замон талабига яраша бўлур эди.

Бозор муносабатларига ўтилаётганда нарх-навонинг бебошвоқ ўсиб боришидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш учун қишлоқ хўжалигига, бутун деҳқончилик-саноат мажмуига сўзда эмас, балки амалда устунлик, афзаллик берилиши керак. Шуни ҳаётга тадбиқ қилмасдан мақсадга эришолмаймиз.

Кейинги даврда республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлмоқда ва бозор иқтисодига ўтиш йўлида машаққат билан орттирилган тажрибаларга эга бўлаяпмиз.

Иқтисодий ислоҳотнинг асосий негизларидан бири — ерга ким эгалигини, мулкчилик масаласини аниқлаб олишдир.

Деҳқончилигимиз асосан йирик давлат ирригация тизими хизмат кўрсатадиган суғорма деҳқончиликдир. Ирригация тизими экинзорлар билан туташиб кетган ягона сув хўжалиги яхлитдир.

Аҳоли ниҳоятда зич, ер ва сув етишмайди, бир кишига атиги 1—1,5 гектардан ер тўғри келади, холос.

Республикада ер ислоҳоти ҳудудимизга хос хусусиятларни ҳисобга олиб ўтказилмоғи лозим. Ўтган йили ер ислоҳоти ва деҳқончилик-саноат мажмуининг бозор муносабатларига ўтишига боғлиқ кўпгина масалалар ечилди. Кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришнинг ҳуқуқий негизи кенгайтирилди. «Ер тўғрисида», «Мулкчилик тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Корхоналар тўғрисида, «Кооперациялар тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

«Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Фармон чиқарилди, совхозларнинг мулкини давлат тасарруфидан чиқаришга киришилди. Кўрилган чора-тадбирлар ҳамда қабул қилинган қонунлар ва фармонлар, албатта, ўз самарасини яқин орада беришига аминман.

Ҳозир томорқа хўжаликларининг ўртача катталиги 0,20 гектардан ошиб кетди. 1989 — 1991 йиллар мобайнида 1,5 миллиондан кўпроқ оила қўшимча ер олди ва шунинг ҳисобидан 800 минг оила — хонадон пайдо бўлди. Томорқа участкаларининг умумий майдони 550 минг гектардан ошди. Бу эса 1988 йилдагига қараганда 2,5 баравар кўпдир.

Махсус ажратилган суғориладиган ерларда деҳқон (фермер) хўжликларини ташкил этиш мақсадида шу йилнинг ўзида қўшимча 200 минг гектар ер ажратиш кўзда тутилган. Республикада деҳқон хўжаликларининг сони ҳозирдаёқ 7,5 мингтадан ошиб кетди. Бу хўжаликлар чорва маҳсулотлари, сабзавот ва бошқа неъматларни етиштиришга самарали ҳисса қўшаяптилар.

Деҳқон хўжаликлари ўзларининг ҳисоб-китоб ҳужжатларига эга бўлаяпти. Ўзига техника харид қилишда, чорвачилик биноларини қуриб олишда биринчи қадамларни босяпти.

Энг муҳим йўналиш — ҳозирги мавжуд колхоз ва совхозлар ичидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартиришдир. Хўжаликлар ичидаги кўпгина бўлинмалар ҳозирдаёқ хўжалик юритишнинг пудрат ва ижара шаклларига ўтказилди.

Бу ҳол сарф-ҳаражатлар билан меҳнат натижалари ўртасидаги мустаҳкам алоқани барқарор таъминлайди. Айни вақтда мана шу хўжаликларда жамланган ишлаб чиқариш, ихтисослашиш, меҳнат тақсимоти ва техникадан кенг фойдаланиш афзалликлари рўёбга чиқарилмоқда.

Ижтимоий соҳада ҳам дастлабки ижобий силжишлар бор. Айрим минтақалар турмуш тарзида ўзгаришлар намоён бўлмоқда. Энг қувончлиси, тобора кўпроқ ёшларимиз онгли равишда қишлоқ хўжалиги соҳасига ишга келмоқдалар. Уларни фермер бўлиб хўжалик юритиш истиқболи жалб этмоқда.

Кўпгина минтақаларда, айниқса, қадимдан суғориб келинаётган минтақаларда якка тартибдаги ва кооператив сектор қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг кўпайиши жараёни кўзга ташланмоқда. Кейинги уч йилнинг ўзидагина ялпи маҳсулот ҳажмида шахсий ёрдамчи хўжаликлар улуши 20 фоиздан 30 фоизгача ошди. Ана шу хўжаликларда маҳсулотнинг кўпайиш суръатлари давлат секторига қараганда бир неча карра юқори бўлди.

Ҳурматли ўртоқлар!

Етиштирилган маҳсулотни тасарруф этиш ҳуқуқи бўлмаса, бозор иқтисодиёти ҳақида сўз юритиш ҳам ортиқча. Шу муносабат билан республикада 1991 йилдан бошлаб бозор муносабатларини кенгайтиришга, хўжаликларга эркинлик беришга, етиштирилган маҳсулотнинг бир қисмидан ишлаб чиқарувчи ўзи фойдаланишига қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хўжаликларга топшириқдаги пахта толаси, пилла, жун ва қоракўлнинг 5 фоизини, топшириққа қўшимча равишда олинган маҳсулотнинг ҳаммасини ўз ҳоҳишларича мамлакат ичкарисида ҳам, ундан ташқарида ҳам сотиш ҳуқуқи берилди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида бундай тадбир хўжаликларнинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлайди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни рағбатлантиради ва ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширади. Дастлабки маълумотларга қараганда, мана шу ҳуқуқни амалда рўёбга чиқариш хўжаликларимиз пул даромадининг салкам 9 миллиард сўм кўпайишини таъминлайди.

Қабул қилинган қарорга биноан, 1992 йилда жамоа ва давлат хўжаликлари республика жамғармасига белгиланган топшириқдаги пахта толаси, пилла, дон, шоли, қуруқ мева, чорва, парранда сут, тухум маҳсулотларининг 85 фоизи, сабзавот маҳсулоти ва картошканинг 50 фоизи миқдорида топширадилар.

Маҳсулотнинг қолган қисми, шу жумладан, режадан ортиқ олингани ишлаб чиқарувчиларнинг ўз ихтиёри билан келишилган (эркин) нархларда сотилади.

Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, шунинг ўзи 11 миллиард сўмдан кўпроқ қўшимча даромад беради.

Шу ўринда ҳукумат қарорига қатъий риоя қилиш зарур. Баъзи вилоятлар бунга хилоф равишда хўжаликларга таллуқли бўлган толаларни мусодара этиб, ўзлари эгалик қилиб олиш ҳоллари учраб турибди.

Қўлланилаётган чоралар давлат буюртмасини қисқартириш ва бозор муносабатлари доирасини кенгайтириш борасидаги дастлабки қадамлардир. Кейинчалик, шароит яратилиши билан, ишлаб чиқарувчилар ўз ихтиёри билан бозор нархида сотадиган маҳсулот ҳажми кўпайиб боради.

Бизнинг вазифамиз бу жараённи жадаллаштиришдир. Натижада давлат буюртмаси касалхоналар, болалар боғчалари, қўшин ва бошқа биринчи навбатдаги давлат эҳтиёжларини таъминлайди. Жамиятнинг бошқа талаб-эҳтиёжлари бозор орқали келишилган (эркин) нархлар асосида таъминланади.

Ҳурматли дўстлар!

Ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларини шакллантириш борасида нарх-наво сиёсати алоҳида аҳамиятга эга.

Республика ҳукумати ўтиш даври шароитида маҳсулотларнинг айрим муҳим турлари нархларини мувофиқлаштиришни зарур деб ҳисоблайди ва улар механизмини такомиллаштириш устида мунтазам иш олиб бормоқда.

1992 йилнинг январидан бошлаб республикада техника-ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларга, аҳоли эҳтиёжи маҳсулотлари, хизмат ва баъзи иш турларига, мавжуд талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, шартнома асосида (эркин) нарх белгилашга ўтилди.

Эркин нарх қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (мевасабзавот турлари)нинг ҳам бир қисмига таъсир этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ярмидан кўпроғига аҳдлашув-шартнома нарх мўлжалланган.

Давлат учун, юқорида айтилган эҳтиёжларни қондириш учун, етказиб бериладиган асосий маҳсулотлар (дон, гуруч, полиз маҳсулотлари, картошка ва ҳоказо) учун эса баланд чекланган нарх белгилаб қўйилди.

Пахта, пилла, гўшт, сут, парранда ва тухум нархларини такомиллаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Лекин нарх-навони тартибга солишда ҳали ечилиши керак бўлган муаммолар кўп. Шулардан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулоти нархларини белгилашдаги тенгсизликдир. Яъни, 1990 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги учун моддий-техника воситалари (техника, ўғит ва ҳоказо) эркин нархларда сотила бошлади, лекин пахтачилик, чорвачилик маҳсулотлари эса чекланган давлат нархларида қолди.

1991 йилнинг ўрталарида моддий-техника ресурслари нархи 1990 йилга нисбатан белгиланган 1,4 ўрнига бир неча баравар ошиб кетди. Шу сабабли ҳукумат сентябрь ойида пахта нархини 50 фоиз оширишга мажбур бўлди. 1992 йилда саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ўртасидаги тафовут янада кучайди.

Тракторлар, пахта териш машиналари нархи 7—15 марта ошиб кетди. Кўплаб қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари ўзларининг танг иқтисодий аҳволини маҳсулот сифати ва сонини кўпайтириш ўрнига унинг нархини ошириш билан яхшилаш йўлига ўтиб олди.

Шуни ҳисобга олиш керакки, кўп тайёр маҳсулот, техника ва ускуналар Ўзбекистон ҳудудига ташқаридан олиб келинади, яъни уларга нарх-наво республикада эмас, четда қўйиляпти. Иккинчи томони: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархини белгилашда эса унинг озиқ-овқат чакана нархига, магазинларимизда, бозорларимизда тобора кўтарилиб бораётган нарх-навога кўрсатадиган таъсирини ҳам инобатга олишимиз зарур.

Бу оғир муаммони ечиш учун қишлоқ хўжалиги моддий-техника ресурслари нархларини жиловлашимиз зарур, бунинг чорасини топишимиз керак.

Бошқа илож топмасақ, бюджетимиздан маблағ топиб, қишлоқ хўжалигини ҳимоя қилиш мақсадида компенсация, товон беришимизга тўғри келади. Шунда ҳам зарар кўриладиган бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини ошириш керак бўлади.

Куни кеча пахта, пилла, чорва маҳсулотларининг харид нархини ошириш ҳақидаги қарор эълон қилинди. Бу чора кўпчиликни ҳам, ўзимизни ҳам қониқтирмади. Сиз, азизларни ишонтириб айтаманки, яна қўшимча имконият топишга ҳаракат қиламиз, нега деганда қишлоқ меҳнаткашларини ҳимоя қилмасдан, хўжаликлар иқтисодининг эртасини кўрмасдан ҳеч қандай ислоҳотни амалга оширолмаймиз. Бу масала ҳаммамиз учун аён бўлиши керак. Ҳар қайси ислоҳот қишлоқ хўжалигидан бошланиши зарур. Кўп муаммоларимизнинг ечими ана шу ерда.

Энди **қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва уни бозор иқтисодиётига ўтказиш борасидаги асосий режаларимиз ҳақида гаплашиб олсак.**

Энг аввало, ер масаласи. Бизда ер ҳам, сув ҳам етишмайди. Бу ҳаммага маълум. Биринчи навбатдаги вазифа ерни асраб-авайлаш, унинг ҳосилдорлигини тиклаш ва ошириб боришдир. Яна бир бор такрорлаб айтмоқчиманки, ер хусусий мулкка айланиб кетмаслиги керак. Хусусий мулкка айланган ер учун шафқатсиз кураш асрлар давомида халқ бошига қанчадан-қанча қулфатлар олиб келганини кўпчилик яхши билади.

Халқимизни боқадиган, ризқи-рўзини берадиган еримиз, тупроғимиздир. Бу бойлигимиздан унумли фойдаланиш биринчи навбатдаги вазифадир. Бу фикр сув ва суғориш тармоқлари тақдирига ҳам тааллуқлидир. Улар, албатта, давлат қарамоғида бўлиши лозим.

Сўнгги йилларда ирригация-мелиорация тармоқлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар йўқлиги туфайли ишдан чиқиб қолаяпти, ерларнинг шўр босиши кўпайиб кетяпти. Яқин йилларда бу соҳада давлат томонидан катта ёрдам кутиш ўз-ўзини алдаш билан баробардир.

Демак, колхозлар, совхозлар, фермер ва ижара хўжаликлари мелиорацияга катта эътибор беришлари керак. Халқимизда «Агар ,хазина бўшаб қолган бўлса, ариқларни тозала» деган ҳикматли гап бор-ку.

Мулкчилик ва хўжалик юритишнинг янги усулларини татбиқ қилиш йўлини давом эттирамиз. Мақсадимиз — туз-насибаси ерга боғлиқ бўлган деҳқонларимизнинг ҳаётини янада яхшилаш. Ернинг тақдири уларнинг қўлида бўлиши керак. Ернинг эгаси аслида деҳқондир.

Шахсий томорқа хўжаликлари ва деҳқон (фермер) жамоаларини кўпайтириш биз учун муҳим аҳамиятга эга. Бу масалада кўп ноаниқликлар бор: тузилаётган фермер хўжаликлари билан колхоз ва совхозлар ўртасида англашилмовчилик, баъзи жойларда эса қарама-қаршиликлар бор.

Бу масалани ечмасак, аниқлик киритмасак ишимиз юришмайди.

Фермер хўжаликларини тузаётганда асосий масала — ер ажратишдир. Хўжалик раҳбарларининг асосий ташвиши, — буни ҳаммамиз тўғри тушунишимиз керак, — бизларни боқадиган ернинг талон-торож қилинишига йўл қўймасликдир.

Фермер эса ер олгандан кейин колхоз ёки совхоз таркибидан бутунлай чиқиб кетишга интилади. Бу эса икки томон ўртасида можарога сабаб бўлади. Бу муаммони қандай ечиш мумкин?

Авваламбор, фермерларга ерни шартнома асосида бериш лозим, яъни икки томон шу шартномада ўз мажбуриятларини аниқ белгилаб олиши зарур.

Энг муҳим шартлардан бири — ажратилган ер унумдорлигининг камайишига мутлақо йўл қўймаслик, ундан фақат деҳқончилик мақсадида фойдаланиш, жамоага, халқимизга керак бўлган маҳсулот етиштиришдир.

Бошқача қилиб айтганда, колхоз ва совхоз фермер хўжаликларини ўз қанотига, ҳимоясига олсагина фермерлик ривожланиши мумкин.

Келажакда колхозларимиз ўзи ҳам катта бир кооператив хўжаликка айланиб, ўз таркибида кооператив-фермерларни, кичик корхоналар ва оилавий пудрат — ижара усулида ишлайдиган жамоаларни ўз ичига олади ва уларнинг хизматини бажаради.

Етиштирилган маҳсулот тўлиқ деҳқон ихтиёрида бўлиши зарур. Шартнома асосида, келишилган нарх бўйича бир қисм маҳсулотни фермер колхозга топширса, қолганини эркин нархларда сотади. Бу эса ўз навбатида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш имконини беради.

Янги ташкил қилинаётган деҳқон (фермер) хўжаликларига ҳар томонлама ёрдам беришимиз керак. Бу ҳақда кечаги куни улар билан учрашувда кўп гапирилди, шундан тегишли хулоса чиқариб, керакли қарорларни қабул қиламиз, албатта.

Жамоа, фермер ва бошқа шаклдаги хўжаликлар ўз манфаатини кўзлаб, ўз ихтиёри билан иш юритиб, бозор талабига кўра ва давлат буюртмаларини ҳисобга олиб, хўжалик ишларини, иқтисодини, келажагини ўзлари мустақил ҳал этишлари керак. Бу бизнинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги дастурларимизнинг асосий йўналишидир.

Давлатнинг вазифаси — харидорлар манфаатини ҳимоя қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини иқтисодий усуллар воситасида келиштириш, солиқлардан ва қўлида бўлган имтиёзлардан тўғри фойдаланиш бўлиб қолиши лозим. Шартли ва эркин нархлар жорий этилган шароитда хўжаликлар нечоғли эркин бўлмасин, қишлоқ хўжалиги давлат ёрдамисиз ривожлана олмайди. Буни жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди.

Масалан, АҚШда қишлоқ хўжалигига ҳар йили 80—100 миллиард доллар ёрдам ажратилади. 1991 йилнинг ўзида бу ерда умумдавлат миллий программалари учун 80 миллиард доллар сарф этилган. Шу жумладан: бевосита федерал ажратмалар — 52 миллиард долларни, ердан фойдаланишни такомиллаштириш соҳасида—8 миллиард долларни, сув иншоотлари қуриш ва тиклаш учун — 5 миллиард долларни ташкил этди.

Фикримча, биз ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унга ёрдам бериш миллий дастурини кечиктирмай ишлаб чиқишимиз шарт. Бу масалада Вазирлар Маҳкамаси тегишли таклифларни тайёрлаши керак.

Маҳсулот тайёрлаш, ташиш, уни сақлаш ва қайта ишлашда рўй бераётган нобудгарчиликлар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг оғир муаммо ва камчиликдир.

Фақатгина тайёрлаш пайтида, энг оддий хомчўтларга кўра, мева-сабзавотнинг 30—35 фоизи, пахтанинг эса 5—6 фоизи нобуд бўлмоқда.

Бу нобудгарчиликни бартараф этиш учун хўжаликлар ҳудудида пахта тозалаш заводлари, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар қайта ишланадиган кичик корхоналар ва цехлар ташкил қилиш керак. Шу йўл билан хўжаликларнинг иш унумдорлигини кўтариш ва фақат хом ашёни эмас, балки етиштирилган пахтадан — тола, уруғлик ва бошқа маҳсулотлар, мева, сабзавот, узумдан эса консерва ишлаб чиқариш ва сотиш имкониятлари яратилади. Қишлоқ аҳли янги даромад манбаига эга бўлади.

Бу борада Туркия тажрибаси ибратлидир. Қишлоқларда 20—30 киши ишлайдиган кичик мустақил корхоналар шохобчалари бунёд этилган. Демак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи катта корхоналарни шаҳарларда қуришдан кўра қишлоқларда кичик корхоналар ташкил этиш фойдалироқдир. Масалан, Хитойда саноат маҳсулотининг 40 фоизи қишлоқларда ишлаб чиқарилади.

Қишлоқда кадрлар тайёрлашни ҳам тубдан қайта кўриб чиқиш зарурати бор.

Ҳозирги пайтда 256 та қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида 103 минг ўқувчи таълим олмоқда, шуларнинг деярли ярмиси— механизаторлик гувоҳномасини олади. Қишлоқ хўжалиги техникумларида ҳам аҳвол шу.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (ўртоқ Исломов), Сув хўжалиги вазирлиги (ўртоқ Гиниятуллин), Маориф вазирлиги (ўртоқ Йўлдошев), мева-сабзавот-вино концерни ва деҳқончилик-саноат мажмуининг барча бошқарув органлари юқорида қайд этилган соҳаларда ўқиш ва ўқитиш тартиби ва сифатини зудлик билан қайта кўриб чиқсинлар.

Ёшларимиз энди қуруқ гувоҳномаларни эмас, балки керакли касб ҳамда зарур малака олсинлар.

Туркияда кичик корхоналарда ишга жалб қилинган шогирд-ўсмирлар учун ҳафтада икки кун маҳсус ўқув юртларида ўқиб, ўз малакасини ошириш имкони берилади.

Биз ўз хўжалиги, корхонасининг иқтисодий-ташкилий ишларини, ишлаб чиқариш жараёни сирларини яхши биладиган ҳақиқий ишчи-мутахассислар етиштирмоғимиз лозим.

Бизнинг олдимизда қишлоқ ёшларининг умумтаълим даражасини кескин ошириш, шунинг билан боғлиқ ўқитувчилар, шифокорлар, умуман барча зиёлилар мавқеини кўтаришдек жуда катта ишлар турибди.

Бу вазифаларни амалга оширишнинг яна бир жиҳати борки, иш ўринлари тақчиллиги туфайли пайдо бўлаётган ижтимоий кескинлик ҳам бир қадар юмшайди.

Республикамиз бу тадбир туфайли жуда кўплаб қўшимча маҳсулот, шунингдек, миллиард-миллиард сўмлик халқ истеъмоли молларига эга бўлиши аниқ.

Яна жуда бир муҳим масала — қишлоқда турмуш шароитини шаҳар даражасига етказиш, қишлоқ жойларда ҳам одамларга шаҳардагидан кам бўлмаган имкониятларини яратишдир. Аммо бугун, айниқса, маданий-маиший хизмат борасидаги фарқ анча катта.

Шу боисдан Президент Фармони асосида республикада қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашнинг 1990—1992 йилларга мўлжалланган давлат дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Ушбу дастур қабул қилинганидан кейин қишлоқ жойларда ҳозиргача 5 минг километрдан кўпроқ сув, шунингдек, 6,5 минг километрли газ тармоқлари ишга туширилди.

Уй-жой қурилиши суръатлари ошди, маориф ва соғлиқни сақлаш муассасалари иншоотларини фойдаланишга топшириш кўпайди.

Бу иш давом этади.

Қишлоқларимизнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш тўғрисидаги дастурни рўёбга чиқариш давлат аҳамиятига молик вазифадир. Уни бажариш учун район, вилоят ва республика ташкилотлари раҳбарлари шаҳсан жавобгардирлар.

Дала ва фермаларда энг оғир меҳнатни бажараётганларнинг ҳар иккисидан бири аёллардир. Уларнинг елкасига уй-рўзғор ва фарзанд тарбиясининг барча ташвишлари тушаётганини ҳам асло унутмаслигимиз керак.

Биз қишлоқда яшовчи хотин-қизларимизнинг оғир аҳволини, ҳанузгача уларга меҳнат ва турмуш учун керакли шароитларни яратиб бермаганлигимизни, улар олдида жуда қарздорлигимизни яхши тушунамиз.

Ўйлайманки, аёлларимизни оғир меҳнатдан озод қилиш, уларга қисқартирилган иш ҳафтасини белгилаш тўғрисида махсус қонун қабул қилсак савобли ва адолатли иш бўлар эди.

Бевосита қурултойимизга дахлдор бўлмаса ҳам бир муҳим гапни айтиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон мустақил давлат бўлди, она тилимизга давлат мақоми берилди. Аммо кўпчилик қишлоқлар ва хўжаликларнинг номлари бугунги нуфузимизга ярашмайди. Вилоят ва район ҳокимлари, хўжаликларнинг раҳбарлари бу борада зарур ишларни амалга ошириб, шу ҳақда бизга ахборот беришларини сўраймиз.

Муҳтарам дўстлар, бирадарлар!

Айтиб ўтилган катта вазифаларни амалга ошириш барчамизнинг бурчимиздир. Инсон қўлидан келмайдиган юмушнинг ўзи йўқ. Яна бир карра айтаман: бизнинг халқимиздек фидойи ва меҳнаткаш халқ камдан-кам топилади. Бугун унинг елкасига, ҳурматли шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, ҳақиқатда офтоб тегди. Миллионлаб ватандошларимизнинг қалбларини қувончга тўлдирган мустақиллик ва озодлик туйғуси, имоним комилки, бизга бугунги оғир иқтисодий аҳволдан тез чиқиб олишга ёрдам беради.

Энг муҳими, ирода, меҳру оқибат, ҳамжиҳатлик ва ўзаро бирдамликдир. Агар бирлашсак, тоғни талқон қилиш қўлимиздан келади. Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ. Бу ёруғ истиқболнинг асосий шарти тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар аҳиллигидир.

Бунинг учун ҳурмат-иззатли, самимий дўст бўлайлик, бир ёқадан бош чиқарайлик, буюк халқимизнинг асрлар давомида орттирган шаън-шавкатини, обрўсини сақлайлик, халқнинг назаридан қолмайлик.

Бугун кўп масалаларни ўзаро муҳокама қилиб олдик. Айтилган таклиф ва мулоҳазалар, танқидий фикрлар, жамики жўяли истаклар мен ҳозиргина алоҳида таъкидлаб айтган миллий дастурдан жой олиши керак. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бугунги кунда шунчаки иқтисодий вазифа эмас, балки ҳақиқий сиёсий масаладир. Халқимизнинг тақдири, болаларимизнинг келажаги ана шу сиёсий масалани қанчалик тез ва оқилона ечишга боғлиқ.

Азиз дўстлар!

1992 йилги дала ишлари ҳам бошланиб кетди.

Бу йил мустақиллигимизнинг биринчи йили. У биздан зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлашни талаб этади. Пахтакорлар, чорвадорлар, боғбону соҳибкорлар доимо меҳнатлари билан халққа ўрнак бўлиб келган.

Доимо омон бўлинглар! Доимо шундай бардам ва тетик бўлиб юринглар! Болачақаларингизнинг истиқболини кўринглар! Яхши кунларга ҳаммамиз биргаликда етайлик!

Ўзбекистонимиз бахтига сиз каби табаррук инсонлар бор бўлсин!

Буюк режаларимизни амалга оширишда барчамизга яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ПАХТА, ПИЛЛА, ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ҲАРИД НАРХЛАРИНИ ВА ПАХТА ТОЛАСИНИНГ УЛГУРЖИ НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1992 ИЙЛ 30 МАРТ, № 152.

Ёқилғининг, электр энергияси ва бошқа моддий-техника ресурсларининг нархлари анча ошганлиги муносабати билан, шунингдек, бозор муносабатлари шароитида колхоз ва совхозларнинг ишлаши учун зарур иқтисодий воситаларни вужудга келтириш, маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришдан меҳнат жамоаларининг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги билан Молия вазирлигининг:

— 1992 йил ҳосилидан пахтанинг харид нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини 1,2-иловаларга мувофиқ ошириш;

— 1992 йил ҳосилидан пилланинг харид нархларини 3-иловага мувофиқ ошириш;

— 1992 йилнинг 1 апрелидан қорамолларнинг, чўчқаларнинг, қўй ва эчкиларнинг, парранда, сут ва тухумнинг харид нархларини ўрта ҳисобда 2 баравар ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ўн кун муддат ичида пахтанинг, пахта толаси, пилла ва чорвачилик маҳсулотининг янги нархларини манфаатдор вазирликлар ҳамда идораларга етказсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 мартдаги 145-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 мартдаги 152-сон қарорига 1-илова

ПАХТАНИНГ ДАВЛАТ ХАРИД НАРХЛАРИ

1 тоннаси учун сўм ҳисобида

Пахта толасининг типи	I	II	III	IV
Ингичка толали				
I тип	25200	22200	11400	3960
II тип	22500	20400	11400	3960
III тип	20700	18360	11400	3960
Ўртача толали				
IV тип	19980	17190	10800	3960
V тип	18660	16110	10800	3960
VI тип	14700	13260	10260	3960
VII тип	14220	12790	9900	3960

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 мартдаги 152-сон қарорига 2-илова

ПАХТА ТОЛАСИНИНГ УЛГУРЖИ НАРХЛАРИ

1 тоннаси учун сўм ҳисобида

Тола типи	Пахта толасининг саноат навлари					
сара	I	II	III	IV	V	VI
Ингичка толали						
I тип 104220	100870	96850	62310	45180	28460	15970
II тип 94940	91520	88250	62310	45180	28460	15970
III тип 83670	81560	78900	62310	45180	28460	15970
Ўртача толали						
IV тип 74320	72960	69750	59100	45180	28460	15970
V тип 67700	66340	64970	56370	45180	28460	15970
VI тип 56440	53710	51800	49140	45180	28460	15970
VII тип 55690	50500	48870	48460	45180	28460	15970

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 мартдаги 152-сон қарорига 3-илова

ПИЛЛАНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАСИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ХАРИД НАРХЛАРИ

1 килограмми учун сўм ҳисобида

| Пилла турлари ва навларининг номлари | Энг юқори даражаси белгилаб қўйил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Республика ҳудудидаги барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, хўжаликлар ишловчиларга, пенсионерларга, талабаларга ва фуқароларнинг бошқа тоифаларига 1992 йилнинг 10 апрелига қадар апрел ойи учун, 1 майга қадар — май ойи учун купонлар беришни таъминласинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, қиймати 2 минг сўмдан ортиқ бўлган товарлар республика аҳолисига купонлар, ҳисоб-китоб чеклари, чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириқлари бўйича пул ўтказиш йўли билан сотилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва ноҳияларнинг ҳокимлари бир ҳафта муддат ичида чакана савдо корхоналари учун, уларнинг юқори савдо ташкилотлари тақдимномалари бўйича, савдо тушуми миқдорининг сўмлар ва купонларда ҳисобланган нисбатини тасдиқласинлар.

Ўзбекистон Давлат банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки савдо корхоналари томонидан купонлар инкассациясига доир белгиланган тартибнинг бажарилишини, топшириладиган, сўмлар ва купонларда ҳисобланган тушум миқдори тасдиқланган нисбатларининг бир-бирига мос келишини доимий равишда назорат қилиб боришни амалга оширсинлар. Савдо ташкилотларининг товар сотишдан тушган пуллар ва купонларнинг бир-бирига мос бўлиши борасидаги ишларининг натижалари ҳақида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига хабар бериб турилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув ва савдо тармоқларига эга бўлган бошқа вазирликлар, идоралар товарларни купон бўйича сотишнинг белгиланган тартибига қатъий риоя этилишини таъминласинлар. Ана шу тартибнинг бажарилишини таъминламаган савдо корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари лавозимидан бўшатиладилар.

8. Ички ишлар органлари купонларни олиб-сотиш билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ишларини кучайтирсинлар, қоидани бузганларни қонунга мувофиқ жавобгарликка тортсинлар ва олиб борилаётган ишларнинг кенг ошкоралигини таъминласинлар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси истеъмол бозорини ҳимоя қилишга доир қарорини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркибига 4-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «1992 йилда Ўзбекистон Республикаси истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида» 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорининг 2, 3, 5, 7—9-бандлари, 11-бандининг 1-хат боши, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 31 январдаги 41-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари — тегишли комплексларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 30 март.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 мартдаги қарорига 1-илова

ТОВАРЛАРНИ КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА СОТИШ, УЛАРНИ БЕРИШ, САҚЛАШ, ҲИСОБГА ОЛИШ, ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ ВА МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида купонли карточкалар* 1992 йилнинг II чораги учун ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилади.

2. Купонли карточкалар товарларни сотиб олиш ҳуқуқини берадиган бир марта фойдаланиладиган ҳужжатдир.

*) Бундан кейин купонлар деб аталади.

II. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТОВАРЛАРНИ КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА СОТИШ ТАРТИБИ

3. Давлат савдоси, тижорат, матлубот кооперацияси тизимида, хусусий дўконларда, шунингдек, уларни ишлаб чиқаришни амалга оширувчи товар алмашув операциялари бўйича ва валютага сотиб олувчи ҳамда уларни ўз ходимларига сотувчи корхоналарда ва ташкилотларда купонлар бўйича, мазкур низомнинг 4 ва 5-бандларида кўрсатилганлардан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий моллар сотилади.

Купонлар билан тўлаш товарлар қийматини мавжуд пул белгилари билан тўлаш билан бир вақтда карточкадан купонларнинг эквивалент суммасини қирқиб олиш йўли билан амалга оширилади.

4. Қуйидагилар купонларсиз сотилади:

2-иловадаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий моллар;

умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулотлари;

ҳарбий қисмлар (муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига), колониялар ва ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ҳудудида жойлашган дўконлардаги товарлар;

хусусий дўконларнинг ўз маблағларига республикадан ташқаридан сотиб олинган товарлар;

иккиламчи хом ашё топширган аҳолига сотиладиган халқ истеъмоли товарлари;

фойдаланилган материаллар ва эҳтиёт қисмлар қиймати ҳам қўшилган ҳар хил хизматлар кўрсатиш.

5. Қиймати 2000 сўмдан кўп бўлган товарлар республика аҳолисига купонлар бўйича ҳам, чеклар, чек дафтарчалари бўйича ҳам ёки омонатчиларнинг топшириғига кўра уларнинг банк муассасаларидаги шахсий ҳисоб варақаларидан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

6. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооперативларнинг чакана савдо шохобчалари орқали нақд пулга купонсиз товарлар сотишлари тақиқланади. Карточкасиз купонлар ёки тегишли тартибда расмийлаштирилмаган купонлар ўтмайди.

7. 50 тийинга тенг бўлган ва ундан кам қиймат бўйича харид учун ҳисоб-китоб купонсиз амалга оширилади. Сўм ва тийинда ифодаланган харид учун ҳисоб-китоб купон билан тўланаётганда йириклаштириш қондаларига кўра сўм ҳисобида тегишли миқдоргача йириклаштирилади (50 тийин ва ундан ками ҳисобга олинмайди, 51 тийин ва ундан кўпи 1 сўм ҳисобланади).

8. Савдо корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида, шунингдек, автоёқилғи қуйиш станцияларида купонлар кесиб олиш ва қадаб қўйиш билан тўланажойлашган ,лекин иш ҳақини пул ўтказиш йўли билан бошқа ҳудудлардан оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга купонлар банк муассасалари томонидан белгиланган тартибда иш ҳақи ведомостларига биноан берилади.

Ўриндошлик билан ишловчи шахсларга купонлар асосий иш жойидан умумий даромадга қараб, меҳнат шартномалари бўйича, иш ҳақи олувчиларга эса умумий асосларда берилади.

13. Ходимларга таътил маблағлари ёзилаётганда бериладиган купонларнинг миқдори ҳар бир таътил ойига алоҳида ҳисобланадиган миқдорлар асосида аниқланади.

Банклар ва корхоналар берган кредитлар, шунингдек, суғурта органлари томонидан тўланадиган пуллар купон билан таъминланмайди.

IV. БЕРИЛАДИГАН КУПОНЛАР МИҚДОРИ

14. Бериладиган купонлар миқдори 3-иловага мувофиқ табақалаштирилган шкала бўйича иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа берилиши лозим бўлган қайд қилинган даромадларнинг (солиқларни, алиментларни ва бошқа ушлаб қолишларни чиқариб ташлаб) миқдорига боғлиқ бўлади, йириклаштириш қоидаларига мувофиқ тегишли миқдоргача йириклаштирилади (5 сўм ва ундан кўпи 10 сўм ҳисобланади).

Купонлар ойида бир марта янги табақалаштирилган шкала бўйича берилади.

Апрель ойи учун купонлар шу йилнинг 10 апрелига қадар 1 чорак нусхалари бўйича иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа қайд қилинган даромадларга кўра белгиланган миқдорда берилади, улар етишмай қолса янги нусҳадаги купонлар берилади. Май ойи учун янги нусхадаги купонлар 1992 йилнинг 1 майига қадар, июнь ойи учун 16 июнига қадар, кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилиш шарти билан берилади.

Йилнинг 1 чораги учун берилган купонлар шу йилнинг 1 июлига қадар ўтади ва алмаштирилмайди.

Доимий иш жойига эга бўлмаган ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, ўз маҳсулотини колхоз бозорида сотувчи ёки кооперативларга топширувчи ёхуд муаллифлик гонорарлари олувчи шахсларга, шунингдек, республика ташқарисида ишловчи кишиларга купонлар уларни олишга рухсатнома кўрсатилгач, яшаш жойидаги банк муассасаларида шкала билан белгиланган миқдорда берилади (3-илова). Купонлар олишга рухсатнома солиқ инспекциялари томонидан берилган даромадлар тўғрисидаги маълумотномалар асосида яшаш жойидаги маҳаллий бошқарув органлари (ҳокимликлар) томонидан берилади.

Муаллифлик гонорарлари олувчи фуқаролар давлат солиқ инспекцияларига даромадларни олган жойдан берилган. Ўтган йилдаги даромадлар тўғрисидаги маълумотномаларни тақдим этадилар.

Совет Армияси сафларидан хизматдан бўшатилган ва вақтинча (уч ойгача) ишламайдиган ҳарбий хизматчилар, ўз хоҳиши билан ёки қисқариш сабабли ишдан бўшаган ва вақтинча (бир ойгача) ишламайдиган фуқаролар, ёлғиз яшовчи кексайиб қолган фуқаролар ҳамда пенсия ва ижтимоий ёрдам олмайдиган фуқаролар, шунингдек, қамоқ жойларидан озод қилинган ва вақтинча (бир ойгача) ишламайдиган фуқаролар яшаш жойидаги маҳаллий бошқарув органлари (ҳокимликлар) ҳарбий билет, паспорт, меҳнат дафтарчаси, озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берган купонларни олишга рухсатномани кўрсатиб, банк муассасаларидан 150 сўм миқдорида купон оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Аҳолининг иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунни кучга киритиш тартиби ҳақида»ги қарори 1-бандида белгиланган шу қонуннинг «Ишдан маҳрум бўлган чорда ижтимоий кафолатлар» сарлавҳали 4-бўлими кучга киргунга қадар вақтинча иш билан таъминланмаган ва нафақа олувчи аҳолига Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархлар ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССР аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш чоратадбирлари тўғрисида» 1991 йил 25 мартдаги 65-сон қарорига мувофиқ 150 сўм миқдорида купон берилади.

Боласини боқаётганлиги учун таътилда бўлган аёллар ҳар ойда иш жойидан нафақа ва бошқа даромадлар ҳисобидан, компенсация ҳам шу жумлага киради, белгиланган миқдорда купонлар оладилар. Бола уч ёшга тўлгунга қадар унга қараш учун ўз таътилини давом эттираётган, лекин бу нафақа ва компенсацияларни олиш муддати тугаганлиги учун уларни олмаётган аёлларга купонлар уларнинг иш жойидан 150 сўм миқдорида берилади.

Мавсумлар орасида мавсумий ишлар билан банд бўлган фуқаролар маҳаллий бошқарув органлари (ҳокимликлар) берган рухсатнома асосида банк муассасаларидан ойига 150 сўм миқдорида купон оладилар.

Даромад манбанга эга бўлмаган ва онла қарамоғидаги уй бекаларига купонлар маҳаллий бошқарув органлари (ҳокимликлар) берадиган маълумотномалар тақдим этилгач, банк муассасаларидан ойига 150 сўм миқдорида берилади.

Бензин учун пул компенсацияси олувчи ногиронларга купонлар компенсация пулининг 100 фоизи миқдорида компенсация олинадиган жойда йилнинг ҳар чорагида бир марта берилади.

Болаларга аталган товарларнинг қимматлашганлиги сабабли нафақа олувчи болалар учун купонлар компенсация пулининг 100 фоизи миқдорида, бошқа нафақалар учун эса белгиланган тартибда берилади.

Моддий ёки жисмоний зарар кўрган фуқароларга купонлар моддий ёрдам пули суммаси ҳисобидан тўла миқдорда берилади.

Йил чораги, йил учун мукофотлар, мукофот пуллари ва моддий ёрдам пули учун купонлар ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик ҳисобидан белгиланган миқдорда берилади.

Республика ҳудудида ишловчи ва сўмларда иш ҳақи олувчи чет эл фуқароларига купонлар умумий асосларда ишловчиларга белгиланган тартибда берилади.

Иш ҳақини сўмларда олмайдиган, бироқ республикада яшаётган ёки хизмат сафарида бўлган чет эл фуқаролари банк муассасаларида эркин алмаштириладиган валютани бозор қадри бўйича сўмга алмаштириш ва алмаштирилган пулнинг 15 фоизи миқдорида купон олиш (бунда ушлаб қолинган комиссион ҳақ ҳисобга олинади) ҳуқуқига эгалар.

Республика ўқув юртларида ўқиётган чет эл фуқароларига купонлар белгиланган миқдорда берилади. Улар эркин алмаштириладиган валютани сўмга алмаштирганда алмаштиришнинг 15 фоизи миқдорида купон олиш (бунда ушлаб қолинган комиссион ҳақ ҳисобга олинади) ҳуқуқига эгалар.

Республика ташқарисида вақтинча ҳарбий хизматни ўтаётган, оила аъзолари республикада доимий яшаётган фуқаролар хизматни ўтаётган жойидан иш ҳақи тўғрисида берилган маълумотнома асосида ҳарбий комиссарликлар берадиган рухсатнома бўйича банк муассасаларидан шкалада (3-илова) белгиланган миқдорда купон оладилар.

Чет элда ишлагандан кейин ёки навбатдаги меҳнат таътилига келган республика фуқаролари купонларни чет элга хизмат сафарига боргунга қадар ишлаган корхоналаридан, ҳарбий хизматчилар эса ҳарбий комиссарликлардан умумий асосларда оладилар.

Республика ҳудудида доимий яшовчи ва республика ташқарисида кўчиб ишлаб юрувчи шахслар даромадлари тўғрисидаги маълумотларни кўрсатгач, маҳаллий бошқарув органлари (ҳокимликлар) купон олиш учун берган рухсатномаларни кўрсатиб, банк муассасаларидан купонларни оладилар.

1 гуруҳ ногиронларига, шунингдек, интернат уйларда яшовчи ҳамда тўла давлат таъминотида бўлган пенсионерлар ва ногиронларга купонлар ўзлари оладиган пенсия миқдорида берилади.

Муаллифлик кашфиётлари, ихтиролари, рационализаторлик таклифлари ва ҳоказо ҳисобига ҳақ ва мукофотлар олувчи фуқаролар купонларни асосий иш жойидан умумий асосларда ҳамма даромадлари юзасидан оладилар.

Етимликда ва ота-онасининг қаровисиз ўсган болалар бўлган талабалар ва ўқувчиларнинг, тўла давлат таъминотида бўлган талабалар ва ўқувчиларнинг стипендиялари тўла миқдорда купонлар билан таъминланади.

Муваққат ижодий жамоаларнинг аъзоларига, шунингдек, пудрат шартномаси бўйича иш бажарувчи шахсларга купонлар асосий иш жойида ҳамма даромадлари юзасидан шкалада (3-илова) белгиланган миқдорда берилади.

ВТЭК (меҳнат қобилияти йўқолиши даражасини аниқлайдиган тиббиёт комиссияси)дан қайта текширувдан ўтган ва пул даромадлари олмайдиган фуқароларга банк муассасаларида маҳаллий бошқарув органлари (ҳокимликлар) томонидан берил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҮРТОҚ Б. Р. ҚОРИЕВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТҮҒРИСИДА

Кўп йиллик ижодий фаолияти, ўзбек миллий балети ва рақсини ривожлантиришдаги хизматлари, жамоат ҳаётида фаол иштироки учун Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси раиси ўртоқ Бернора Раҳимовна Қориева Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 27 март.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Ойбек номли Термиз давлат педагогика институти негизида Термиз давлат дорилфунуни ташкил этилди. Олий билим гоҳнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида 7,5 мингдан зиёд талаба таълим олаётир. Бу йил тўртта: психология, иқтисод ва экология, ҳуқуқшунослик, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар факультетлари очилади.

СУРАТДА: психология ўқитувчиси Саодат Йўлдошева (чапдан ўнгга), кичик илмий ходим Зуҳра Сирожиддинова ва кафедра мудири, профессор Ботир Қодиров лабораторияда.

И. ХУЖАЕВ олган сурат. (ЎзА).

ИЗОҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 март куни чиқарилган «Пенсиялар, стипендиялар, ҳамда бюджет ҳисобидаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 1-банди «1992 йилнинг 16 мартидан халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан, уй-жой-коммунал тармоғи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлиги тизими ходимларининг иш ҳақи, имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойлик товон тўловларини шу ҳисобга қўшган ҳолда, 1,7 баравар оширилсин» деб ўқилсин.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

КОРХОНАЛАР ВА ХЎЖАЛИКЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Қалинлиги 4 миллимертгача бўлган металларни **ПРОПАН-БУТАН** гази ёрдамида пайванд қилиш учун **КАРБИТ** билан ишлайдиган **ГОРЕЛКАЛАР** қайта мослаштирилмоқда.

Бунинг учун ишлаётган **ГОРЕЛКАЛАР**ни олиб келиш кифоя.

Нархи келишилган ҳолда ҳал қилинади.

Манзилгоҳимиз: 713813, Фарғона вилояти, Фарғона райони, Чимён қишлоғи, қишлоқ хўжалик таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ СИЕСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ

Бир ойлик кундузги, аниқ мақсадли ва тезкорлик билан ўтказиладиган **«БИЗНЕС АСОСЛАРИ»** курсига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Дарслар 14 апрелдан бошланади

Ўқишга олий маълумотли кишилар таклиф этилади. Ўқиш баҳоси ётоқхонаси билан — 2900 сўм, ётоқхонасиз 2200 сўм.

Курсга кириш учун пул ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг иккинчи нусхасини кўрсатиш керак. Уз ҳисобига ўқувчилар пулни институт кассасига тўлашлари мумкин.

Манзилгоҳимиз: 700137, Луначарский кўчаси — 54, Тошкент Сиёсатшунослик ва бошқарув институти, Тошкент шаҳри саноат қурилиш банкининг Меҳнат бўлимидаги ҳисоб рақами №012700508, МФО — 172682315, корреспондент ҳисоби — 300166415. Қўшимча ахборот учун телефонлар: 67-83-11, 67-14-46.

Тошкент Молия Олий билимгоҳи «Ўзбекистон овози» рўзномасида

1992 йил 6 март сонида чоп этилган эълонга қўшимча равишда доцентлик лавозимига (чет тиллар)

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«КОНТАКТ»
МУҲАНДИСЛИК ТЕХНИКА КОРХОНАСИ

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Пул-ютуқли компьютерли телевизион ўйин автоматлари:

«МЕВАЛИ-ҒАЛТАК»

«ҚАРТА ЎЙИНИ»

Ўйин автоматларга жетонлар қўшиб берилиши мумкин.

Корхона кафолатли ва кафолатдан кейинги хизматни бажаради.

Бизнинг манзилгоҳ: 700099, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 118-уй.

Телефон: 34-05-21.

«КОНТАКТ»
МУҲАНДИСЛИК ТЕХНИКА КОРХОНАСИ

Ўйин автоматлари учун диаметри 23 миллиметрли жетонларни исталган миқдорда

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Ҳақ нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Ўзбекистон Республикаси 700099, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси 118-уй. Маълумотлар учун телефон: 34-05-21.

ХАЛҚАРО «НАВРЎЗ—92» ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

НАФОСАТ КЎРИГИ

Ўтган жума куни Тошкентдаги Ҳамза номидаги театр улкан байрамни кутиб олди. Карнай-сурнай, ноғора ва чилдирмаларнинг хуш овози одамларни ўзига чорлади. Халқ ижоди дасталари азиз меҳмонларни — — қозоғистонлик, қирғизистонлик, туркманистонлик, тожикистонлик фестиваль иштирокчиларини, Москвадан, Грузия ва Эстония каби бошқа юртлардан ташриф буюрган санъат арбоблари ва мутахассиларини ўзларининг чинакам ўзбекона куй ва қўшиқлари, рақслари билан сийладилар.

Театр зали томошабинларга лиқ тўлди. Саҳнага анжуман ташкилий қўмитасининг раҳбарлари, республикалар Театр арбоблари уюшмаларининг раислари, вакиллари, таниқли маданият арбоблари чиқиб келишди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Э. Самандаровга берилди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларига йўллаган Табрикномасини ўқиб берди. Қутловни залдагилар гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди. Бирин-кетин микрофон ёнига келган К. Лавров, Н. Раҳимов, А. Муҳаммаджонов, Б. Қориева каби санъат пешволари дўстлик, ижодий ҳамкорлик ва миллий санъатлар равнақига қимматли ҳисса қўшаётган анъанавий Наврўз анжуманини олқишладилар томошабинларни улкан маданият байрами билан муборакбод этадилар. Фестиваль байроғи кўтарилади...

Фестиваль очилгандан сўнг Тожикистоннинг «Ахорун» театри ўтган анжуман ғолиби сифатида биринчи бўлиб ўз спектаклини намойиш этди.

Республикамизда яна бир эзгу мақсадли ижодий кўрик одимламоқда. У биринчи навбатда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганлиги, театр маданиятини ишланишларини фаол тарғиб этаётганлиги, ижодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаётганлиги билан қимматлидир.

А. БОРОВИКОВ.

«ОЙНАИ ЖАҲОН» ҚАРШИСИДА

СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ

Ҳар душанба куни Қорақалпоғистон телевидениесининг «Хабар» программаси тамом бўлишидан сўнг Абдикарим Қўшчоновни томошабинлар, албатта, кўришади. У халқаро шарҳловчи. Йигирма йилдан ошдики, Абдукарим телетомошабинлар олдида олам ва мамлакатимизда юз бераётган воқеаларни батафсил баён қилиб бераётир, шарҳлаётир.

Тўғрисини айтсак, унинг иши осон эмас. Халқаро мавзудаги лекциялар нимага керак. Ахир ҳар куни одамлар бу ҳақда газета ва журналлардан ўқиб боришади-ку, деб ўйловчилар ҳам йўқ эмас. Аммо малакали мутахассиснинг дунё воқеаларини шарҳлаб бериши ҳамиша одамларга керак экан. Буни ҳаёт исботлаб турибди.

... Қораўзак ноҳиясида туғилиб, вояга етган Абдукарим Қўшчонов мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ўзининг билимга чанқоқлиги, ҳамма нарса ҳақида кўпроқ билишга қизиқувчанлиги билан бошқалардан ажралиб турарди.

Ҳозирги пайтда Абдукарим Қўшчонов Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг тарих, тил-адабиёт олий илмгоҳида инқилобгача бўлган тарих секторини бошқаради. У билимларнинг тарғиботчиси сифатида тинмай шуғулланади. «Билим» жамиятининг аъзоси. Шунинг учун . ҳам унга «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилган.

— «Ойнаи жаҳон» орқали бериладиган 15 дақиқалик сиёсий шарҳ олиб бориш учун бутун ҳафта давомида тайёргарлик кўраман, — дейди А. Қўшчонов — Барча йирик нашрларни, Москва Тошкент ва Нукусда чиқадиган рўзнома-ю журналларни ўқийман, кўчирмалар қиламан. Бусиз мумкин эмас. Тайёргарликсиз синфга кириш кечирилмас ҳол бўлганидек, кўп минг кишилик телетомошабинлар олдига ҳозирлик кўрмасдан чиқиш оғир гуноҳ. Лекторнинг, сиёсий шарҳловчининг ҳар бир сўзи нишонга тўғри тегиши керак.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФУТБОЛ

ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВЛАР

● Орзиқиб кутилган дамлар бошланди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси футбол миллий чемпионати байроғи кўтарилди. Саккиз шаҳарда дастлабки учрашувлар бўлиб ўтди.

Гапнинг сираси мухлисларнинг «Пахтакор» жамоасига ихлоси ҳамон баланд. Шунинг учун бўлса керак, дастлабки тур ўйинларида бошқа жамоалардан кўра пахтакорчиларнинг қандай ўйнашгани ҳақида мулоҳазалар кўпроқ бўлди. Умуман олганда пахтакорчилар мавсумга пухта ҳозирлик кўришган. Ўртоқлик учрашувларида, «Пахтакор-79» хотира-совғини учун мусобақада ўзини кўрсатишга ҳаракат қилди. Лекин ҳозирча ишқибозлар қониқиш ҳосил қилмаяптилар. Бунинг устига пахтакорчилардан А. Пятницкий, М. Қосимов, И. Шквирин, Г. Денисовларнинг бошқа жамоаларга ўтиб кетишаётгани ҳақидаги гаплар ҳам кўпчиликни ўйлантириб турибди.

Футболчиларимизни Владикавказнинг «Спартак» ҳамда Москва спартакчилари сафига қўшилаётгани ҳақидаги гап ҳақиқат. Мақсад бозор иқтисодиёти, моддий манфаатдорлик ҳамда йигитларни бошқа жамоаларда маҳоратларини кўпроқ оширишларига имкон яратишдан иборат. Ҳозир пахтакорчилар «Спартак» жамоаларида ўзига хос синовдан ўтишмоқда. Шартномалар тузишга ҳозирлик кўрилмоқда. Лекин улар Республика миллий терма жамоасининг аъзоси бўлиб қолаверадилар. Зарур бўлганда «Пахтакор» ҳамда терма жамоа сафига қўшилиб, ўйнашлари лозим бўлади.

Республика миллий чемпионатининг дастлабки учрашувлари мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Ўйинлар Бухоро, Самарқанд, Термиз, Шаҳрихон, Қўқон, Косонсой, Янгиер ва Олмалиқ шаҳарларида бўлиб ўтди. «Янгиер» футболчилари «Чирчиқ» жамоасини қабул қилиб (3:1), дастлабки ғалабани қўлга киритишди. Қўқоннинг «Темирйўлчи» футболчилари ҳам бўш келишмади. Улар ўз майдонларида «Пахтакор—79» дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритишди. Энг йирик ҳисоб-Шаҳрихонда қайд этилди. Майдон эгалари Фарғонанинг «Нефтчи» футболчиларини қабул қилишиб, битта тўп киритишди. Аммо дарвозаларидан бештасини ўтказиб юбордилар. «Пахтакор» Косонсойда меҳмон бўлди. Меҳмонлар битта тўп киритиш билан икки очколик бўлишди. «Сурхон» — «Навбаҳор», «Марқанд» — «Трактор» жамоалари учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилди. «Нурафшон» ва «Наврўз» учрашуви 2:2 ҳисобида тугади. Навбатдаги тур ўйинлари бугун бўлиб ўтади.

МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ

ДЕЙИШМОҚДА ГУЛЧЕҲРА ВА БАХТИЁР ПУЛАТОВЛАРНИНГ ҲУЗУРИДА БЎЛГАН БЕМОРЛАР

Ҳабибулло врачнинг ҳузуридан ҳафсаласи пир бўлиб чиқди.

— Ҳа, дўстим, жа қовғинг осилиб кетибди, тинчликми, — сўради Собиржон дўстини ичкарига таклиф қиларкан.

— Сўрама, хабаринг бор, бир Самарқандда ва бир Тошкентда апарайса қилишди. Тузалиб кетарман, деб ўйлагандим, қаёқда дейсан. Бир ҳафтадан бери оғриқ хуруж қиляпти, врачнинг ҳузурига киргандим. Очиғи, рак бўлгансиз. Икки марта операцияда ҳам тузалмабсиз, энди учинчи марта операция қиламиз, деб айтди. Юрагим сезиб турибди, бунисидан чиқмасам керак.

— Роса воҳиманинг ини экансан-ку. Бўлмаган гап, ҳали кўп яшайсан. Биласанми, бизда бир табиб аёл ҳақида эшиттириш қилишди. Эшитишимча, ундан жуда кўплар шифо топишаётган экан.

Ҳабибулло ихлос билан Гулчеҳрахон ҳузурига иккинчи марта қатнади. Саккизинчи сеансдан кейин батамом соғайиб кетди. Икки йилдирки оғриқ нималигини сезмайди. Истаган таомини еяверади.

Биз табиб-экстрасенслар — Гулчеҳра ва Бахтиёр Пўлатовларнинг довруғини эшитиб, уларнинг ҳузурида бўлдик.

— Гулчеҳрахон айтингчи, одамларни даволаш ҳусусияти сизда қачон пайдо бўлган?

— Аввалига ҳеч нарсадан хабарим бўлмаган. Бундан тахминан ўн тўрт йил олдин тўсатдан баданим қизиб бошлади. Ҳатто ялангоёқ қорда юриб кўрганман. Бир куни ёш болам иситмалаб ётганди. Баданим қизиб ташқарида қор босиб тургандим. Унинг йиғиси эшитилди. Уйга кириб, қўлимга олдим. Буни қарангки, қизиб ётган боланинг иситмаси тез орада тушди. Шунда ҳам билмагандим.

Илгари вилоят «Медтехника» идорасига қарашли оптика дўконида мудир эдим. Ёнимизда поликлиникада дугонам беморларни қабул қиларди. Баъзан бўш пайтларда унинг олдига чиқиб турардим. Ўша кезларда бир куни дугонамнинг олдига чиқсам, қабулида бемор бор экан. Унга кўзим тушиши билан бошим бир лаҳза оғриди. Беихтиёр «Амаки, бошингиз оғрир экан» деб юбордим.

— Тўғри, айтасан, қизим. Шу дард ҳеч тинчлик бермаяпти, — деди у.

Ғайритабиий куч таъсирида қўлимни отахоннинг бошига обордим. Шу пайт чап қулоғимда соатнинг чиқиллашига ўхшаган товуш садо берди.

— Ҳечқиси йўқ, тузалиб кетасиз, дедим қўлимни бош атрофида айлантирарканман. Дугонам ҳузурига яна келганда мени чақиришни илтимос қилибди. Чиқдим. Кечаги ҳолатни такрорладим. Отахон анча яхшилигини билдириб, раҳмат айтди. Олти марта келгандан кейин бутунлай соғайди.

Шу-шу дугонам ҳузурига тез-тез чиқадиган бўлдим. У кўраётган беморга қарайман. Қарашим билан баданимнинг бир ерида худди чимчилагандек оғриқ туриб, дарҳол тўхтайди. Беморга ўша жойи оғришини айтсам, тўғри бўлиб чиқаверади. Кейинчалик одамлар эшитиб, мени йўқлаб келувчилар кўпайди.

Соғаядиганларни кўрсам кўпинча чап қулоғимда товуш эшитилади. Иложи бўлмаса, ўнг қулоғимда товуш эшитилади. Шунинг учун ҳам мендан даво излаб келувчиларнинг кўпчилиги шифо топмоқда.

Лекин дарди борларнинг юз фоизини тузатаман, дейиш қийин. У иш фақат Оллоҳнинггина қўлидан келиши мумкин. Шунинг учун мендан дарди фориғ бўлмаганлар турмуш ўртоғим Бахтиёр акамдан тузалишяпти.

— Сиздан асосан қандай касалликлар билан оғриганлар шифо топишмоқда?

— Ошқозон-ичак, руҳий касалликлар, остехандроз (бўғинларда туз йиғилиши), бод, буйрак, аёллар касалликларига таъсир этиб, даволаяпман.

Гулчеҳрахоннинг турмуш ўртоғи ҳам табиб. Биз ундан бу фазилат қандай содир бўлганини сўраганимизда шундай жавоб берди:

— Турмуш ўртоғимдан, дугонаси ишлайдиган поликлиникада шифо топганлар, улардан эшитганлар энди уйимизга излаб келиша бошлади. Мен Гулчеҳрага бу иш билан шуғулланишга рухсат бермадим. Ўша куннёқ касал бўлиб қолдим. Маҳалламизда яшайдиган қария отинга дам солдиргани чиқдим. Онахон мени кўриб, сен табибликни бўйнингга олишинг керак, акс ҳолда дардинг аримайди, деб фотиҳа бердилар.

Шу-шу мен ҳам даволай бошладим. Ўзим ҳам ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетдим. Мендан ҳафақон касаллиги билан оғриганлар, руҳий беморлар, фарзанд кўрмаганлар, операциядан сўнг яраси битмаганлар, бош оғриғи, бавосил, чақалоқлардаги ўткир шамоллаш, фалаж, дудуқ, кар, соқов, шайтонлайдиганлар кўпроқ шифо топишяпти. Бахти очилмаётган йигит-қизлар турмуш қуришмоқда.

— Кейинги пайтда табиб экстрасенсларга одамларда ишонч бирмунча йўқолди, — дейди қўшимча қилиб Бахтиёр Пўлатов. — Бу инсонлар дардига малҳам бериш ўрнига ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлайдиганлар кўпайганидир.

Биз жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирлигидан бир нарсани илтимос қилмоқчимиз. Мутахассис шифокорлар бир неча беморнинг касаллигини аниқлаб, бизга мурожаат қилишсин. Бизга шароит яратилса, 10—15 кунда, узоғи билан бир ойда уларнинг шифо топишига кафолат берамиз. Ана шунда нимага қодир экانлигимиз аён бўлади.

Биз Гулчеҳра ва Бахтиёр Пўлатовлар билан хайрлашар эканмиз, мақола чоп этилгач, кўплаб муштарийлар рўзномага мурожаат қилишини эътиборга олиб, уларнинг даволаш муолажаларини ўтказадиган манзилгоҳни маълум қилишни лозим топдик:

Тошкент области, Калинин район маркази Усмон Юсупов кўчаси, 50-ҳунартехника билим юрти биноси.

К. РИХСИЕВ.

СЕШАНБА, 31

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

● УзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Афғон рубоби оҳанглари». 8.55 «Финист-сарлочин». Бадиий фильм. 10.10 «Ёшлик». 10.50 «Қизил Ярим ой шуъласи. 11.20 Тижорат канали: «Илғор тажриба мактаби». 11.50 «Қувноқ оҳанглар».

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.15 Болалар учун «Кичкинтой». 18.45 «Чимён». 18.55 «Спортлото». 19.00 «Ўзбекистон» 19.20 «Инсон ва қонун». 20.10 «Тадбиркорлар ҳузурида». 20.30 «Ўзбекистон» 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Наврўз-92» Театр фестивали. 21.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Янгиер» (Янгиер) — «Трактор» (Тошкент). 23.05 Телевизион минатюралар театри. 1-қисм.

● ЎЗТВ II

10.30 Физика. 11.00 «Волга жилолари». 11.30 Жуғрофия. 18.30 Болалар учун фильм. «Валерка, Ремка — ». 19.00 Гитара оҳанглари. 19.30 «Алоқалар ва шартномалар». 20.20 Театр учрашувлари. 21.35 «Кинонигоҳ»

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильмлар. 8.05 «Чапдаст капитан». Бадиий фильм, 2-серия. 9.10 Футбол шарҳи. 9.40 «Тоғлардан юксак». Бадиий фильм. 11.00 Янгиликлар.

* * *

13.40 «Ён дафтар». 13.45 «Савдо растаси». 14.00 Янгиликлар. 14.25 Нафас олиш гимнастикаси. 14.40 «Бошқаларга ҳам етказиб қўй...» Бадиий фильм. 16.05 Мультфильм. 16.20 «Болалар мусиқий клуби». 17.00 Янгиликлар. 17.20 Халқ куйлари. 17.35 «Илья Сельвинский. Инсон қалби муҳандислари». Телефильм. 18.15 «Телескоп». 18.45 «Жаҳон юлдузлари-92» халқаро турнири. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. 22.00 «Омонат умр». Бадиий фильм. 23.15 Янгиликлар. 23.55 «Мавзу».

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Француз тили. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. 8.05 Француз тили. 8.35 Болалар соати 9.35 «Нуккининг саргузаштлари». Бадиий фильм. 11.05 Мультфильм. 11.15 «Винил чакалакзорлари». 12.00 Ҳужжатли панорама. 12.40 Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.00 «Простор ». 15.30 «Севги изҳори». 15.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 16.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 16.55 Эълонлар. 17.00 Хабарлар. 17.20 Ишдан бўш пайтингизда. 17.35 «Агар сиз...» 18.05 «Россия билан юзма-юз». 18.20 Россиянинг телевизион театри. 19.35 «Ҳар бир куни байрам». 19.45 Мультфильм. 19.55 «Россия ва дунё». 20.25 Криминал хабарлар. 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.20 Эълонлар. 21.45 «Скрипкачи» Видеофильм. 22.40 Н. В. Гоголь «Бурун». 2-қисм. 23.45 Рус видеоси.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат матбуот комитети

Шуманай шаҳридаги 10-босмахонаси уч тонна қўрғошинни келишилган баҳода **СОТАДИ** ёки қоғозга алмаштиради.

Манзилгоҳимиз: 743130, Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай шаҳри, Ленин бульвари — 12, 10-босмахона.

Телефонлар: 6-13-08, 6-29-33.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси «Говорит и показывает Ташкент» ҳафтаномаси бош муҳаррирининг ўринбосари

Ислом Ғаффорович САТТОРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г — 15.

№ 64.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 01.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.